QMMB: 06/26/206/0967-son
25.09.2026-y.

# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
# FARMONI

2026 yil « 23 » сентябрь №ПФ–206

## "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда маҳаллалар ролини кучайтириш ва ҳудудларнинг яшиллик даражасини тубдан оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини янги босқичга олиб чиқиш, маҳаллаларда аҳоли учун қулай экологик муҳит яратиш, мавжуд дарахтларни муҳофаза қилиш ва экилган кўчатларнинг яшовчанлигини ошириш, кўкаламзорлаштириш жараёнларида илм-фан, рақамли технологиялар ҳамда давлат, бизнес ва жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида **қарор қиламан**:

### I. Мақсадлар

**1.** Қуйидагилар ушбу Фармоннинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

**(а)** "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида **ҳар бир маҳаллада ҳар бир одам учун 3 та дарахт**, **30 фоиз дарахт сояси**, **300 метр атрофида** яшил ҳудуд бўлишини таъминлашни назарда тутувчи **"3–30–300"** халқаро стандартини жорий қилиш орқали **маҳалланинг яшиллик даражасини ошириш**;

**(б)** яшил боғлар ва яшил жамоат парклари сонини **2030 йилга қадар 1 023 тага** етказиш, шундан 2026 йилда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида куз мавсумида **257 та** яшил боғлар ва **яшил жамоат парклари**ни яратиш;

**(в) 2030 йилга қадар** ҳар бир туман ва шаҳарда камида **5 тадан** умумий узунлиги **10 километрдан** кам бўлмаган сояли сайр кўчаларини ташкил қилиш.

**2.** Қуйидагилар:

**(а)** 2026 йил куз мавсумида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчаларини экишнинг прогноз кўрсаткичлари **1-иловага** мувофиқ;

**(б)** 2026 йил куз мавсумида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини экишнинг прогноз кўрсаткичлари **2а–2п-иловаларга** мувофиқ;

**(в)** 2026 йил куз мавсумида маҳаллалар ҳудудларида манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчаларини экишнинг прогноз кўрсаткичлари **3-иловага** мувофиқ;

**(г)** 2026 йил куз мавсумида вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари томонидан манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчаларини экишнинг прогноз кўрсаткичлари **4-иловага** мувофиқ;

**(д)** 2026 йил куз мавсумида атроф-муҳитга таъсири бўйича юқори ва ўрта даражадаги хавфли тоифаларга мансуб саноат корхоналари томонидан "яшил белбоғ"лар барпо этишнинг прогноз кўрсаткичлари **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

## II. Тозалик ва озодалик долзарб икки ойлигини ташкил этиш

**3.** Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг (кейинги ўринларда – Экология қўмитаси) **2026 йил 1 октябрдан бошлаб** республикада **тозалик ва озодалик долзарб икки ойлиги**ни ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда:

QMMB: 06/26/206/0967-son
25.09.2026-y.



(а) **2026 йил 1 октябрдан** бошлаб яшил ҳудудлар жойлашувини аниқлаш, ерларни тайёрлаш, кўчат ва буталар захирасини яратиш чоралари кўрилади;

(б) кўчат ва буталарни экиш мавсуми:

(i) **2026 йил 1 ноябрдан бошлаб** Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида;

(ii) **2026 йил 5 ноябрдан бошлаб** Бухоро ва Навоий вилоятларида;

(iii) **2026 йил 10 ноябрдан бошлаб** Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида;

(iv) **2026 йил 20 ноябрдан бошлаб** Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бошланади;

(в) мазкур банднинг "б" кичик бандида назарда тутилган муддатларга Экология қўмитаси томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

**4.** Вазирлар Маҳкамаси (А. Раматов, Ғ. Мирзаев) Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Экология қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда **тозалик ва озодалик долзарб икки ойлигида** кучайтирилган тартибда:

(а) **ариқлар, зовурлар, каналлар** ва умумий фойдаланишдаги **ҳудудларни чиқиндилардан тозалаш**, зарур ҳолларда, уларни таъмирлаш ва мавсумий **ёғингарчиликларга тайёрлаш** ишларини амалга оширсин;

(б) аҳоли **пунктлари**, **маҳаллалар**, **кўп квартирали уйлар атрофи**, **ижтимоий соҳа объектлари**, **автомобиль йўллари** ва бошқа **жамоат жойларида** ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳамда санитария ҳолатини яхшилаш ишларини ташкил этсин;

(в) **кўча, хиёбон, йўлак** ва **аҳоли яшаш жойлари** атрофида тўпланган маиший, қурилиш ва бошқа чиқиндиларни тўлиқ олиб чиқиб кетиш чораларини кўрсин;

QMMB: 06/26/206/0967-son
25.09.2026-y.



(г) **2026 йил кузги кўчат экиш мавсумига тайёргарлик доирасида** белгиланган ер майдонларини тозалаш, текислаш ва экишга тайёрлаш, суғориш тизимларини яратиш ва созлаш, тупроққа ишлов бериш, мульча тайёрлаш ҳамда зарур агротехник тадбирларни олдиндан амалга оширишни таъминласин.

**5.** Вазирлар Маҳкамаси (А. Раматов, Ғ. Мирзаев) **тозалик ва озодалик** долзарб икки ойлигида аниқланган ободонлаштириш, санитария-тозалаш ва кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳар бир ҳудуд кесимида манзилли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан масъул раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини белгиласин.

## III. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини маҳалла даражасида амалга оширишнинг янги механизмларини йўлга қўйиш

**6.** Белгилаб қўйилсинки:

(а) **2027 йил 1 январдан бошлаб "Яшил маҳалла"** лойиҳаси доирасида **"Маҳаллани яшиллаштириш" пакети** жорий этилади;

(б) **"Маҳалла – ислоҳотлар буюртмачиси"** тамойили асосида қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантириладиган маблағлар Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тақсимотига асосан ҳар бир маҳалла учун Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига ўтказиб берилади:

(i) **экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш** соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун Экология қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия томонидан маъмурий ва суд тартибида ундириладиган жарима маблағларининг **90 фоиз қисми**. Бунда ушбу маблағларнинг **10 фоизи** мазкур жаримани қўллаган давлат ташкилотининг ўзида қолдирилади;

(ii) атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларининг **республика бюджетига йўналтирилган қисми**;

**(в)** Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағларининг камида **30 фоизи “Маҳаллани яшиллаштириш”** пакетини амалга оширишга йўналтирилади;

**(г)** ушбу бандга мувофиқ ўтказиб бериладиган маблағлар Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида янги очиладиган **“Яшил маҳалла”** жамғармаси орқали қайта тақсимланади ҳамда **“Маҳаллани яшиллаштириш”** пакетининг қуйидаги **тўрт турдаги** йўналишлари бўйича хизматларни ўз ичига олади:

**(i)** дарахт ва бута кўчатларини етказиб бериш;

**(ii)** дарахт ва буталарни касалликлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш;

**(iii)** органик ўғитлар ва мульча билан таъминлаш;

**(iv)** тежамкор суғориш воситалари билан таъминлаш;

**(д)** ушбу бандда белгиланган хизматлар ва уларга йўналтирилган маблағлар фақат Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Ўрмон агентлиги) томонидан **маҳалла буюртмаси** асосида кўрсатилади ва ўзлаштирилади.

**7.** **“Яшил маҳалла”** лойиҳасини амалга ошириш доирасида Ўрмон агентлиги томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**8.** Экология қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **2027 йилдан бошлаб Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармасидан** (кейинги ўринларда – Жамғарма) **100 миллиард сўм** миқдоригача маблағлар **“Маҳаллани яшиллаштириш” пакетига** ажратилишини назарда тутсин.

**9.** Белгилансинки, **“Яшил маҳалла”** лойиҳаси доирасида маҳаллаларга Ўрмон агентлиги томонидан **ўрмончи-мураббий** ходим бириктирилади. Бунда:

**(а)** “маҳалла еттилиги” аъзолари ўрмончи-мураббий томонидан **ҳар экиш мавсуми бошланишидан олдин бир маротаба** қисқа ўқув курсларида ўқитилади;

**(б)** “маҳалла еттилиги” аъзолари маҳалладаги экиш учун бўш майдонлар, сув манбаларини ўрганиб, “Маҳаллани яшиллаштириш” пакети учун буюртмани шакллантиради ва кўрсатилган хизматлар ҳисобини юритади, фуқароларга экиш, суғориш, мульчалаш, компост тайёрлаш, дарахтни парваришлаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш усуллари тўғрисида маълумот бериб боради.

**10.** Белгилансинки, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Экология қўмитаси ва Ўрмон агентлиги **“Яшил маҳалла”** лойиҳасини **барча маҳаллаларда жорий** қилишга масъул бўлади.

**11.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2026 йил куз мавсумидан** бошлаб:

**(а)** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ўрмон агентлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ер майдони чекланган маҳаллаларда, кўп квартирали уйлар оралиғида, мактаб ва боғчалар ҳовлиларида **маҳалла микроўрмонларини** ташкил этади. Бунда **200–1 000 метр квадрат** майдонда ҳар бир метр квадратга камида **2 та** дарахт ва бута кўчатини **зич экиш усули** (қатламлаб) қўлланади;

**(б)** ер ажратиш имконияти бўлмаган ёки бетон ва асфальт қопламали ҳудудларда **жамоатчилик кичик боғлари** ташкил этилади. Бунда:

**(i)** маҳаллий **ҳокимликлар** ва **ҳомийлар** катта ҳажмли кўчат тувакларини ўрнатади;

**(ii)** Ўрмон агентлиги сифатли кўчат етказиб беради;

**(iii)** маҳаллалар қатнашиш истагини билдирган фуқаролар иштирокида экиш ва парваришлаш ишларини ташкил этади;

**(iv)** ҳар бир боғ учун сув таъминоти, тувакларни сақлаш ва кўчатларни парваришлашга масъул белгиланади.

**12.** Вазирлар Маҳкамаси **икки ҳафта муддатда** ҳар бир туман (шаҳар) кесимида камида **10 гектар** ер майдонида маҳалла микроўрмонини ташкил қилиш бўйича манзилли дастурни тасдиқласин.

## IV. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини туман (шаҳар) даражасида амалга ошириш

**13.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Экология қўмитаси билан келишган ҳолда **2026 йил учун 1 ноябрга** қадар, 2027 йилдан бошлаб ҳар йили **1 мартга** қадар ҳудудларнинг яшиллик даражасини оширишга қаратилган туман (шаҳар)ларнинг **яшил дастур**лари ишлаб чиқилишини таъминласин. Бунда:

**(а)** яшил дастурларда **яшил боғлар**, **сояли сайр кўчалари**, **кўллар ва сув тежовчи**, жумладан, ёмғир, қор ва оқова сувларини тўплайдиган ва қайта ишлайдиган **суғориш тизимларини ташкил қилиш**, **дарахтларни парваришлаш** ва чиқинди йиғиш шохобчаларини қуриш бўйича **аниқ объектлар**, **маблағлар миқдори**, **муддатлар**, **масъуллар** ва **натижа кўрсаткичлари** белгиланади;

**(б)** яшил дастурлар туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан шакллантирилади ва халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларида муҳокамадан ўтказилади ва тасдиқланади.

**14.** Экология қўмитаси Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Тошкент шаҳар, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда **уч ой муддатда** Жамғарманинг **маблағлари ҳисобидан Олот, Ургут** ва **Янгиҳаёт** туманларининг яшил дастурларини амалга оширишни бошласин.

QMMB: 06/26/206/0967-son
25.09.2026-у.



**15.** Белгилаб қўйилсинки, Экология қўмитаси томонидан ҳар йили яшиллик даражаси табиий равишда энг паст бўлган **14 та туман (шаҳар)нинг яшил дастур**ларини амалга ошириш учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан **100 миллиард сўм**гача йўналтирилади.

**16.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Экология қўмитаси ва Ўрмон агентлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** ботаника ва дендрология боғлари, ўрмон хўжаликлари, йирик яшил ҳудудлар ва ободонлаштириш бошқармаларининг ҳудудларида **компостлаш** ва **мульчалаш тизимини** йўлга қўйсин. Бунда:

**(а)** санитария ва гидрогеологик шароити мос жойларда узунлиги **12 метр**, эни **4 метр** ва чуқурлиги камида **1 метр бўлган** хандақлардан фойдаланилади;

**(б)** намлик ҳар **15 кунда текширилиб**, **70 фоиз** атрофида сақланади;

**(в)** ҳар бир туман (шаҳар) ободонлаштириш ташкилотларини камида битта шох-шабба майдалагичлар билан таъминлаш мақсадида молиялаштириш жадвали тасдиқланади ҳамда уларни харид қилиш жараёнида ускунанинг техник кўрсаткичлари Экология қўмитаси билан келишилади;

**(г)** тайёр компост ва мульча, биринчи навбатда, тегишли ҳудуднинг очиқ тупроқ майдонларини қоплаш ва парваришлаш ишларига йўналтирилади.

## V. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда жамоатчилик иштирокини кучайтириш ва рағбатлантириш

**17.** Аҳолининг яшил боғларни яратиш бўйича **талаб** ва **таклифларини** қўллаб-қувватлаш мақсадида **2027 йил 1 январдан бошлаб** қуйидагиларни назарда тутувчи **“Яшил лот”** тизими жорий этилсин:

**(а)** Экология қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мавжуд ер участкаларини **жисмоний** ва **юридик шахслар**га шартнома асосида ном бериш орқали яшил боғ барпо этиш учун ажратиш ҳуқуқи берилади;

**(б)** яшил боғ яратиш учун берилган ҳудудлардан фақат мақсадли фойдаланилади ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга **мулк сифатида** ўтказилмайди, уларда қурилиш, конструкциялар ўрнатиш ва бошқа фаолият турларини олиб бориш тақиқланади, шунингдек, аҳоли томонидан умумий фойдаланилиши чекланмайди.

**18.** Қуйидагилар **икки ой муддатда "яшил лот"**лар бўйича **эълон берсин** ва **шартномалар тузиш ишларини ташкиллаштирсин**:

**(а)** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари – ҳар бир туман ва шаҳарда **камида 10 тадан** "яшил лот"лар;

**(б)** Экология қўмитаси – ўрмон хўжалиги ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг буфер зонасида **10 гектардан**.

**19.** Экология қўмитаси **икки ой муддатда** "яшил лот"лар орқали ташкил этиладиган яшил ҳудудларга жисмоний ва юридик шахсларнинг номини бериш қоидаларини тасдиқласин.

**VI. Илмий таъминот ва кўчатчилик**

**20.** Экология қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Жамғарма маблағлари ҳисобидан **2028 йил 1 сентябрга** қадар:

**(а)** минтақанинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, республиканинг ҳар бир ҳудудининг иқлимий-географик зоналарига мос дарахт ва бута кўчатларини етиштиришга ихтисослашган **1 тадан "in-vitro"** лабораторияларини ташкил этсин;

QMMB: 06/26/206/0967-son
25.09.2026-y.



**(б)** “in-vitro” лабораторияларида сувсизлик, шўрланиш, юқори ҳарорат, касалликларга чидамли ва қум-чанг кўчишининг олдини олишга хизмат қилувчи дарахт ва бута турларини кўпайтириш ишларини амалга оширсин;

**(в)** барча ҳудудларда замонавий кўчатхона ҳамда кўчат савдоси бўйича ташриф марказларини ташкил этсин.

**21.** Экология қўмитаси Фанлар академияси билан биргаликда **икки ҳафта муддатда** ҳар бир ҳудуднинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, кўчатларни экиш муддатларини районлаштириш, шунингдек, ҳудудлар кесимида тупроқ шароитига мос, сувсизлик, шўрланиш, иссиқ ва совуққа чидамли кўчат турларини тасдиқласин.

**22.** Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** Экология қўмитаси таклифига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида камида биттадан **илмий-тажриба полигонини** ташкил қилиш учун зарур бўлган ер участкаларини Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University) тузилмасидаги **Чўлланишга қарши курашиш ва чўл иқтисодиётини ривожлантириш илмий-тадқиқот институтига** ўтказиб берсин.

**23.** Экология қўмитаси Фанлар академияси билан биргаликда **тўрт ой муддатда** хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда фақат безак вазифасини бажарадиган, кўп сув ва доимий парвариш талаб қиладиган газон экиш амалиётини қисқартириш (чеклаш) ҳамда унинг ўрнига босқичма-босқич маҳаллий шароитга мос қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар экиш, мульчалаш ва сув тежовчи суғоришни бирлаштирувчи ксерискейпинг (капалакқўнмас (аюга), тошгули, печакгул (плюш), бўригул (барвинок), какликўт (тимьян), себарга) усулига ўтиш бўйича асослантирилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

**VII. Рақамли ҳисоб, сунъий интеллект ва жамоатчилик назорати**

**24.** Рақамли технологиялар вазирлиги Экология қўмитаси, Кадастр агентлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Гидрометеорология хизмати агентлиги билан биргаликда **олти ой муддатда** тажриба тариқасида қуйидагиларни ўз ичига олган **"Yashil AI"** ассистенти модулини ишга туширсин:

**(а)** ер бонитет бали, тупроқ тури, сув таъминоти, иқлим, сунъий йўлдош ва дала кузатувлари асосида кўкаламзорлаштириш, ўрмонлаштириш ҳамда яшил қопламалар учун мақбул майдонларни аниқлаш;

**(б)** ҳар бир ҳудудга мос дарахт ва бута турлари, кўчат сони, экиш схемаси ва муддати, суғориш ва парваришлаш бўйича тавсияларни шакллантириш;

**(в)** сув танқислиги, кўчат қуриши, касаллик, зараркунанда ва дарахтларга зарар етказилиши хавфини харитада кўрсатиш, масъулларга огоҳлантириш юбориш ва таҳлилий ҳисобот тайёрлаш;

**(г)** маълумотларни ягона харитада янгилаб бориш, тезкор мониторинг, прогноз, жамоатчилик мурожаатлари ва натижаларни очиқ кузатиш имкониятини яратиш.

**25.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Экология қўмитаси билан биргаликда **2026 йил 31 декабрга** қадар маҳаллаларга кириш жойида яшил ҳудудларни барпо этиш афзалликлари, ҳудуднинг экологик кўрсаткичларини кўрсатиб турувчи баннерлар ва электрон таблолар ўрнатилишини таъминласин.

**26.** Вазирлар Маҳкамаси (Ғ. Мирзаев):

**(а) 2026 йил 1 ноябрга қадар** Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар бир маҳаллада ташкил этиладиган маҳалла боғларини онлайн кузатиш имкониятини яратиш мақсадида ситуацион марказ ташкил қилсин;

QMMB: 06/26/206/0967-son
25.09.2026-y.



**(б)** Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Экология қўмитаси билан биргаликда **2026 йил 31 декабрга** қадар “Рақамли маҳалла” платформаси билан “Обод маскан” платформасини интеграция қилиш орқали ситуацион марказдан фойдаланиш имкониятини яратсин.

**VIII. Чўлланишга қарши курашиш ва трансчегаравий лойиҳалар**

**27.** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Экология қўмитаси:

**(а)** Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда **икки ой муддатда** кўкаламзорлаштириш, ҳимоя ўрмонлари, чўлланишга қарши курашиш ва янги технологияларни жорий этиш учун халқаро грант маблағларни жалб қилиш бўйича манзилли дастур лойиҳасини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

**(б) 2027 йил 1 декабрга** қадар маҳаллий ва халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрмонлаштириш, деградацияга учраган ерларни тиклаш ва маҳаллаларни кўкаламзорлаштириш лойиҳалари учун **200 миллион АҚШ доллари** қийматидаги халқаро грантларни жалб қилиш ишларини ташкил этсин. Бунда нодавлат нотижорат ташкилотларга лойиҳа оператори сифатида донор танлаш, аризани тайёрлаш, маҳаллий ҳамкор ва майдонни аниқлашда амалий кўмак кўрсатиб борсин.

**28.** “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Барқарор ўрмон хўжалиги асосида ўрмонзорлаштириш ва ўрмон тиклаш бўйича ҳаракатлар декадаси” резолюцияси асосида мамлакатимизда ўрмонлаштириш ва ўрмонларни тиклаш бўйича 2027–2036 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури **7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**29.** Экология қўмитаси Фанлар академияси, Ўрмон агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Навоий, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда **2027 йил 31 декабрга** қадар Арнасой, Нукус, Қоракўл, Кармана, Муборак, Қизириқ ва Янгиариқ туманларида галофит ўсимликларини етиштириш бўйича илмий-тажриба участкасини ташкил этсин. Бунда ҳар бир участкада тупроқ шўрланиши ва сув таъминотига мос турларни синаш, уруғ ҳамда кўчат етиштириш ва амалий тавсиялар тайёрланиши таъминлансин.

**IX. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

**30.** Белгилансинки, мазкур Фармонда белгиланган вазифалар масъул вазирлик ва идораларнинг ушбу тадбирлар учун кўзда тутилган маблағлари, Жамғарма маблағлари, ҳомийлик ва грант маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

**31.** Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** мазкур Фармонда назарда тутилган, ўзи томонидан тасдиқланадиган тартибларни қабул қилиш ва молиялаштиришнинг зарур ташкилий чораларини кўрсин.

**32.** Экология қўмитаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда манфаатдор идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**33.** Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазири ўринбосарлари Ғ.Ғ. Мирзаев ва А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси – Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси А.А. Абдухакимов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

QMMB: 06/26/206/0967-son
25.09.2026-y.



**34.** Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**




**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

QMMB: 06/26/206/0967-son
25.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 23 сентябрдаги ПФ–206-сон Фармонига
1-илова

## 2026 йил куз мавсумида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчаларини экишнинг ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

*(минг туп)*

| Т/р | Кўчат ва қаламчалар экилиши белгиланган ҳудудлар (йўналишлар) | Масъул ижрочилар | Жами | Шундан | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон вилояти | Бухоро вилояти | Жиззах вилояти | Қашқадарё вилояти | Навоий вилояти | Наманган вилояти | Самарқанд вилояти | Сурхондарё вилояти | Сирдарё вилояти | Тошкент вилояти | Фарғона вилояти | Хоразм вилояти | Тошкент шаҳри |
| 1. | Фермер хўжаликлари ва пахтачилик-ғаллачилик кластерларининг далалари четлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Ўзбекистон фермерлари кенгаши *(А. Хаитов)* | **20 656** | 688 | 764 | 1 638 | 1 813 | 1 230 | 1 488 | 1 825 | 1 433 | 1 387 | 3 481 | 723 | 2 074 | 2 052 | 60 |
| 2. | Боғ ва токзорлар барпо этиш | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(И. Абдураҳмонов)* | **14 808** | 1 450 | 903 | 534 | 1 559 | 1 660 | 700 | 1 615 | 2 099 | 1 663 | 664 | 666 | 214 | 1 081 | 0 |
| 3. | МФЙ ҳудудлари ва аҳоли томорқалари атрофи | Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси *(Ғ. Мирзаев)* | **30 000** | 1 777 | 2 960 | 2147 | 1 594 | 3 054 | 1 280 | 1 901 | 2 289 | 2 263 | 1 631 | 2 359 | 3 456 | 3 104 | 185 |
| 4. | Ободонлаштириш бошқармалари ҳудудлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | **12 505** | 1 660 | 734 | 1146 | 988 | 853 | 371 | 841 | 894 | 951 | 715 | 1 152 | 953 | 1 130 | 117 |
| 5. | Ўрмон фонди ерлари | Ўрмон агентлиги *(Э. Мухитдинов)* | **7 591** | 900 | 61 | 2097 | 339 | 219 | 2 012 | 189 | 398 | 648 | 110 | 256 | 212 | 150 | 0 |
| 6. | Автомобиль йўллари ва темирйўллар бўйлари | Автомобиль йўллари қўмитаси *(Ж. Турсунов)* “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ *(З. Нарзуллаев)* | **6 837** | 561 | 325 | 447 | 385 | 626 | 429 | 405 | 398 | 235 | 683 | 1464 | 357 | 487 | 35 |

QMMB: 06/26/206/0967-son
25.09.2026-y.



| Т/р | Кўчат ва қаламчалар экилиши белгиланган ҳудудлар (йўналишлар) | Масъул ижрочилар | Жами | Шундан | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон вилояти | Бухоро вилояти | Жиззах вилояти | Қашқадарё вилояти | Навоий вилояти | Наманган вилояти | Самарқанд вилояти | Сурхондарё вилояти | Сирдарё вилояти | Тошкент вилояти | Фарғона вилояти | Хоразм вилояти | Тошкент шаҳри |
| 7. | Дарёлар, каналлар, ариқлар ва зовурлар бўйлари | Сув хўжалиги вазирлиги *(Ш. Хамраев)* | **3 264** | 330 | 146 | 187 | 262 | 153 | 200 | 138 | 233 | 322 | 301 | 118 | 669 | 185 | 20 |
| 8. | Атроф-муҳитга таъсири бўйича юқори ва ўрта даражадаги хавфли тоифаларга мансуб саноат корхоналари томонидан "яшил белбоғ"лар барпо этиш | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(И. Норқулов)* | **6 707** | 348 | 431 | 555 | 536 | 640 | 583 | 444 | 551 | 566 | 344 | 905 | 496 | 268 | 40 |
| 9. | Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги *(Э. Каримова)* | **1 147** | 120 | 32 | 103 | 188 | 138 | 49 | 10 | 76 | 126 | 74 | 67 | 86 | 56 | 22 |
| 10. | Соғлиқни сақлаш объектлари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э. Адилов)* | **836** | 100 | 26 | 92 | 147 | 54 | 35 | 11 | 56 | 69 | 98 | 44 | 69 | 25 | 10 |
| 11. | Олий таълим муассасалари ҳамда уларга туташ ҳудудларда | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги *(К. Шарипов)* | **549** | 80 | 30 | 36 | 30 | 22 | 40 | 35 | 53 | 62 | 49 | 35 | 33 | 19 | 25 |
| 12. | Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари ҳамда уларга туташ ҳудудларда | Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари | **5 960** | 365 | 204 | 339 | 540 | 560 | 900 | 376 | 410 | 608 | 559 | 341 | 446 | 141 | 171 |
| 13. | Тижорат банклари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | Марказий банк *(Т. Ишметов)*, тижорат банклари | **1 124** | 100 | 43 | 102 | 100 | 65 | 130 | 60 | 73 | 99 | 124 | 77 | 89 | 35 | 27 |
| 14. | Чиқинди полигонлари атрофи | Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги *(Ш. Ҳасанов)* | **259** | 28 | 10 | 37 | 14 | 22 | 20 | 16 | 12 | 29 | 25 | 18 | 6 | 22 | 0 |
| 15. | Янги тутзорлар барпо этиш | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(И. Абдураҳмонов)* "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси *(И. Сайфуллаев)* | **27 757** | 1 580 | 4 063 | 1 448 | 2 327 | 2 013 | 1 265 | 2 638 | 2 380 | 2 159 | 679 | 3 134 | 1 969 | 2 102 | 0 |
| **Жами** | | | **140 000** | **10 087** | **10 732** | **10 908** | **10 822** | **11 309** | **9 502** | **10 504** | **11 355** | **11 187** | **9 536** | **11 359** | **11 129** | **10 857** | **712** |

QMMB: 06/26/206/0967-son
25.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 23 сентябрдаги ПФ–206-сон Фармонига
2а-илова

**Қорақалпоғистон Республикасида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 2026 йил куз мавсумида манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини экишнинг**
**ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

*минг дона*

| Т/р | Кўчатлар экилиши белгиланган ҳудудлар | Жами | шу жумладан | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Тахиатош тумани | Нукус тумани | Элликқалъа тумани | Шуманай тумани | Чимбой тумани | Хўжайли тумани | Тўрткўл тумани | Тахтакўпир тумани | Мўйноқ тумани | Қонликўл тумани | Қўнғирот тумани | Кегейли тумани | Қораўзак тумани | Бўзатов тумани | Беруний тумани | Амударё тумани | Нукус шаҳри |
| | **ЖАМИ** | **10 087** | **458,7** | **508,7** | **839,4** | **518,7** | **627,2** | **631,4** | **839,3** | **577,2** | **360,8** | **528,7** | **627,2** | **478,7** | **628,7** | **257,0** | **839,3** | **829,8** | **536,2** |
| 1 | Фермер хўжаликлари ва пахтачилик-ғаллачилик кластерларининг далалари четларида иҳота дарахтзорларини барпо қилиш | **688,0** | 40,0 | 50,0 | 50,0 | 40,0 | 60,0 | 40,0 | 50,0 | 50,0 | 20,0 | 40,0 | 40,0 | 50,0 | 42,0 | 20,0 | 50,0 | 46,0 | 0,0 |
| 2 | Боғ ва токзорлар барпо этиш | **1 450,0** | 80,0 | 70,0 | 160,0 | 90,0 | 90,0 | 100,0 | 150,0 | 80,0 | 30,0 | 90,0 | 60,0 | 70,0 | 50,0 | 20,0 | 150,0 | 160,0 | 0,0 |
| 3 | МФЙ ҳудудлари ва аҳоли томорқалари атрофи | **1 777,0** | 71,0 | 71,0 | 142,2 | 71,1 | 99,5 | 113,7 | 142,2 | 99,5 | 42,7 | 71,1 | 99,5 | 71,1 | 71,1 | 28,4 | 142,2 | 142,1 | 298,6 |
| 4 | Ободонлаштириш бошқармалари ҳудудлари | **1 660,0** | 97,7 | 97,7 | 117,2 | 97,7 | 97,7 | 97,7 | 117,2 | 97,6 | 78,1 | 97,6 | 97,6 | 97,6 | 97,6 | 58,6 | 117,2 | 97,6 | 97,6 |
| 5 | Ўрмон фонди ерларида ўрмонлар барпо этиш | **900,0** | 0,0 | 50,0 | 60,0 | 50,0 | 70,0 | 50,0 | 60,0 | 80,0 | 60,0 | 50,0 | 60,0 | 30,0 | 70,0 | 60,0 | 60,0 | 60,0 | 30,0 |
| 6 | Автомобиль йўллари ва темирйўллар бўйлари | **561,0** | 24,2 | 23,7 | 24,4 | 25,1 | 24,2 | 26,2 | 27,1 | 21,4 | 21,4 | 28,2 | 28,2 | 21,7 | 177,3 | 22,7 | 25,6 | 30,1 | 9,5 |
| 7 | Дарёлар, каналлар, ариқлар ва зовурлар бўйлари | **330,0** | 15,0 | 20,0 | 25,0 | 15,0 | 20,0 | 20,0 | 30,0 | 30,0 | 15,0 | 20,0 | 20,0 | 20,0 | 20,0 | 10,0 | 25,0 | 25,0 | 0,0 |
| 8 | Атроф-муҳитга таъсири бўйича юқори ва ўрта даражадаги хавфли тоифаларга мансуб саноат корхоналари томонидан "яшил белбоғ"лар барпо этиш | **348,0** | 14,0 | 3,0 | 4,0 | 0,0 | 30,0 | 33,0 | 6,0 | 2,0 | 47,0 | 1,0 | 130,0 | 3,0 | 10,0 | 0,0 | 45,0 | 12,0 | 8,0 |
| 9 | Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **120,0** | 5,0 | 5,0 | 9,0 | 5,0 | 7,0 | 8,0 | 9,0 | 7,0 | 4,0 | 5,0 | 7,0 | 5,0 | 7,0 | 4,0 | 9,0 | 9,0 | 15,0 |
| 10 | Соғлиқни сақлаш объектлари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **100,0** | 4,0 | 5,0 | 8,0 | 5,0 | 5,0 | 8,0 | 8,0 | 5,0 | 2,0 | 5,0 | 8,0 | 4,0 | 5,0 | 2,0 | 8,0 | 8,0 | 10,0 |
| 11 | Олий таълим муассасалари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **80,0** | 3,0 | 3,0 | 5,0 | 3,0 | 5,0 | 5,0 | 5,0 | 3,0 | 1,0 | 3,0 | 3,0 | 3,0 | 3,0 | 1,0 | 5,0 | 4,0 | 25,0 |
| 12 | Вазирлик, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **365,0** | 20,8 | 24,3 | 26,6 | 20,8 | 21,8 | 20,8 | 25,8 | 25,7 | 15,6 | 21,8 | 25,9 | 17,3 | 19,7 | 9,3 | 24,3 | 28,0 | 16,5 |
| 13 | Тижорат банклари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **100,0** | 4,0 | 4,0 | 6,0 | 4,0 | 5,0 | 7,0 | 7,0 | 4,0 | 2,0 | 4,0 | 6,0 | 4,0 | 4,0 | 1,0 | 6,0 | 6,0 | 26,0 |
| 14 | Чиқинди полигонлари атрофида иҳота дарахтзорларини барпо этиш | **28,0** | 0,0 | 2,0 | 2,0 | 2,0 | 2,0 | 2,0 | 2,0 | 2,0 | 2,0 | 2,0 | 2,0 | 2,0 | 2,0 | 0,0 | 2,0 | 2,0 | 0,0 |
| 15 | Янги тутзорлар барпо этиш | **1 580,0** | 80,0 | 80,0 | 200,0 | 90,0 | 90,0 | 100,0 | 200,0 | 70,0 | 20,0 | 90,0 | 40,0 | 80,0 | 50,0 | 20,0 | 170,0 | 200,0 | 0,0 |

QMMB: 06/26/206/0967-son
25.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 23 сентябрдаги ПФ–206-сон Фармонига
26-илова

**Андижон вилоятида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 2026 йил куз мавсумида манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини экишнинг**
**ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

*минг дона*

| Т/р | Кўчатлар экилиши белгиланган ҳудудлар | Жами | шу жумладан | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Андижон шаҳри | Хонобод шаҳри | Андижон тумани | Асака тумани | Балиқчи тумани | Бўстон тумани | Булоқбоши тумани | Жалақудуқ тумани | Избоскан тумани | Марҳамат тумани | Олтинкўл тумани | Пахтаобод тумани | Улуғнор тумани | Хўжаобод тумани | Шаҳрихон тумани | Қўрғонтепа тумани |
| | **ЖАМИ** | **10 732,0** | **206,7** | **196,3** | **745,5** | **717,4** | **746,3** | **713,6** | **731,4** | **731,6** | **745,2** | **747,2** | **729,3** | **743,6** | **745,3** | **750,6** | **746,9** | **735,1** |
| 1 | Фермер хўжаликлари ва пахтачилик-ғаллачилик кластерларининг далалари четларида иҳота дарахтзорларини барпо қилиш | **764,0** | 0,0 | 0,0 | 49,8 | 61,9 | 56,1 | 50,3 | 55,3 | 56,2 | 57,6 | 57,5 | 54,6 | 55,8 | 59,8 | 57,5 | 58,3 | 33,3 |
| 2 | Боғ ва токзорлар барпо этиш | **903,0** | 0,0 | 0,0 | 62,0 | 62,0 | 61,0 | 63,0 | 53,0 | 64,0 | 67,0 | 68,0 | 66,0 | 65,0 | 69,0 | 64,0 | 67,0 | 72,0 |
| 3 | МФЙ ҳудудлари ва аҳоли томорқалари атрофи | **2 960,0** | 97,9 | 81,6 | 198,2 | 157,0 | 228,1 | 169,0 | 221,8 | 208,6 | 203,2 | 206,9 | 182,7 | 229,6 | 179,5 | 200,5 | 226,2 | 169,2 |
| 4 | Ободонлаштириш бошқармалари ҳудудлари | **734,0** | 43,2 | 44,6 | 43,0 | 46,3 | 47,9 | 45,9 | 48,4 | 48,7 | 47,0 | 44,2 | 47,1 | 46,8 | 44,7 | 45,6 | 43,0 | 47,6 |
| 5 | Ўрмон фонди ерларида ўрмонлар барпо этиш | **61,0** | 0,0 | 0,0 | 1,0 | 0,0 | 5,0 | 10,0 | 0,0 | 0,0 | 5,0 | 0,0 | 5,0 | 0,0 | 10,0 | 0,0 | 0,0 | 25,0 |
| 6 | Автомобиль йўллари ва темирйўллар бўйлари | **325,0** | 11,9 | 14,7 | 22,3 | 20,7 | 23,2 | 21,9 | 22,2 | 21,7 | 20,2 | 21,7 | 21,8 | 21,6 | 18,7 | 21,7 | 20,2 | 20,5 |
| 7 | Дарёлар, каналлар, ариқлар ва зовурлар бўйлари | **146,0** | 0,0 | 9,0 | 9,6 | 9,6 | 9,9 | 10,1 | 9,6 | 9,2 | 9,9 | 9,3 | 9,2 | 10,6 | 9,2 | 10,6 | 10,6 | 9,6 |
| 8 | Атроф-муҳитга таъсири бўйича юқори ва ўрта даражадаги хавфли тоифаларга мансуб саноат корхоналари томонидан "яшил белбоғ"лар барпо этиш | **431,0** | 25,0 | 25,0 | 46,5 | 54,0 | 11,5 | 11,0 | 37,0 | 20,0 | 30,0 | 18,1 | 16,0 | 14,0 | 19,3 | 45,0 | 18,0 | 40,6 |
| 9 | Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **32,0** | 4,4 | 3,0 | 1,6 | 1,9 | 1,8 | 1,9 | 1,8 | 1,8 | 1,7 | 1,8 | 1,8 | 1,8 | 1,7 | 1,9 | 1,6 | 1,5 |
| 10 | Соғлиқни сақлаш объектлари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **26,0** | 2,2 | 2,1 | 1,5 | 2,6 | 1,4 | 1,6 | 1,5 | 1,5 | 2,0 | 1,4 | 1,4 | 1,2 | 1,3 | 1,3 | 1,5 | 1,5 |
| 11 | Олий таълим муассасалари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **30,0** | 7,6 | 0,6 | 2,0 | 2,0 | 1,5 | 1,2 | 1,3 | 1,4 | 1,4 | 1,8 | 1,3 | 1,9 | 1,1 | 1,3 | 1,8 | 1,8 |
| 12 | Вазирлик, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **204,0** | 10,1 | 10,5 | 12,4 | 13,5 | 13,0 | 12,8 | 12,5 | 12,8 | 12,4 | 12,9 | 13,0 | 13,8 | 13,5 | 13,8 | 13,7 | 13,3 |
| 13 | Тижорат банклари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **43,0** | 4,4 | 3,2 | 4,2 | 2,5 | 2,5 | 2,3 | 2,4 | 2,3 | 3,0 | 2,4 | 2,3 | 2,4 | 2,5 | 2,3 | 2,2 | 2,1 |
| 14 | Чиқинди полигонлари атрофида иҳота дарахтзорларини барпо этиш | **10,0** | 0,0 | 2,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 2,0 | 0,0 | 2,0 | 4,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| 15 | Янги тутзорлар барпо этиш | **4 063,0** | 0,0 | 0,0 | 291,4 | 283,4 | 283,4 | 312,6 | 264,6 | 283,4 | 282,8 | 301,2 | 305,1 | 275,1 | 315,0 | 285,1 | 282,8 | 297,1 |

QMMB: 06/26/206/0967-son
25.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 23 сентябрдаги ПФ–206-сон Фармонига
2в-илова

## Бухоро вилоятида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 2026 йил куз мавсумида манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини экишнинг ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

*минг дона*

| Т/р | Кўчатлар экилиши белгиланган ҳудудлар | Жами | шу жумладан | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Шофиркон тумани | Жондор тумани | Ромитан тумани | Пешкў тумани | Қоровулбозор тумани | Қоракўл тумани | Когон тумани | Ғиждувон тумани | Вобкент тумани | Олот тумани | Бухоро тумани | Когон шаҳри | Бухоро шаҳри |
| **ЖАМИ** | | **10 908,0** | **1 115,9** | **1 125,6** | **1 033,1** | **1 024,9** | **748,5** | **1 193,8** | **943,4** | **1 001,5** | **927,2** | **817,5** | **791,0** | **46,0** | **139,6** |
| 1 | Фермер хўжаликлари ва пахтачилик-ғаллачилик кластерларининг далалари четларида иҳота дарахтзорларини барпо қилиш | **1 638,0** | 164,0 | 180,0 | 164,0 | 148,0 | 65,0 | 154,0 | 115,0 | 164,0 | 164,0 | 148,0 | 164,0 | 0,0 | 8,0 |
| 2 | Боғ ва токзорлар барпо этиш | **534,0** | 53,0 | 58,0 | 53,4 | 48,0 | 21,4 | 50,8 | 37,0 | 53,0 | 55,0 | 48,0 | 53,7 | 0,0 | 2,7 |
| 3 | МФЙ ҳудудлари ва аҳоли томорқалари атрофи | **2 146,9** | 245,6 | 266,7 | 297,7 | 281,8 | 14,3 | 208,2 | 200,2 | 163,8 | 221,1 | 69,6 | 138,0 | 11,3 | 28,6 |
| 4 | Ободонлаштириш бошқармалари ҳудудлари | **1 146,0** | 100,4 | 100,3 | 100,4 | 100,4 | 100,3 | 100,3 | 100,3 | 100,3 | 100,3 | 100,4 | 100,4 | 13,9 | 28,3 |
| 5 | Ўрмон фонди ерларида ўрмонлар барпо этиш | **2 097,0** | 273,7 | 239,9 | 184,1 | 160,9 | 329,2 | 406,7 | 85,8 | 191,7 | 0,0 | 225,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| 6 | Автомобиль йўллари ва темирйўллар бўйлари | **447,0** | 40,8 | 30,4 | 45,3 | 40,9 | 40,6 | 45,0 | 40,0 | 40,0 | 36,0 | 40,0 | 40,0 | 0,0 | 8,0 |
| 7 | Дарёлар, каналлар, ариқлар ва зовурлар бўйлари | **187,0** | 18,7 | 20,6 | 18,7 | 16,8 | 7,5 | 17,8 | 13,1 | 18,7 | 18,7 | 16,8 | 18,7 | 0,0 | 0,9 |
| 8 | Атроф-муҳитга таъсири бўйича юқори ва ўрта даражадаги хавфли тоифаларга мансуб саноат корхоналари томонидан “яшил белбоғ”лар барпо этиш | **555,0** | 49,5 | 37,0 | 71,0 | 34,0 | 85,0 | 54,0 | 49,0 | 50,0 | 24,0 | 71,0 | 24,0 | 0,0 | 6,5 |
| 9 | Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **103,0** | 10,0 | 8,4 | 7,6 | 9,2 | 1,7 | 9,0 | 4,2 | 14,5 | 7,9 | 6,7 | 8,6 | 2,9 | 12,3 |
| 10 | Соғлиқни сақлаш объектлари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **92,0** | 9,1 | 7,9 | 7,6 | 5,7 | 2,4 | 8,4 | 3,6 | 12,9 | 7,3 | 5,6 | 8,4 | 1,6 | 11,5 |
| 11 | Олий таълим муассасалари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **36,0** | 2,7 | 1,8 | 2,7 | 2,7 | 0,9 | 3,6 | 0,9 | 4,5 | 2,7 | 0,9 | 1,8 | 0,9 | 9,9 |
| 12 | Вазирлик, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **339,0** | 26,0 | 26,0 | 26,0 | 26,0 | 28,0 | 35,0 | 34,7 | 26,0 | 26,0 | 32,0 | 27,0 | 10,0 | 16,3 |
| 13 | Тижорат банклари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **102,0** | 11,0 | 12,2 | 16,5 | 1,2 | 6,0 | 6,8 | 10,0 | 16,0 | 10,0 | 2,0 | 3,0 | 4,0 | 3,3 |
| 14 | Чиқинди полигонлари атрофида иҳота дарахтзорларини барпо этиш | **37,1** | 1,0 | 3,4 | 3,3 | 3,4 | 3,4 | 3,3 | 3,4 | 3,4 | 3,4 | 1,0 | 3,4 | 1,4 | 3,3 |
| 15 | Янги тутзорлар барпо этиш | **1 448,0** | 110,4 | 133,0 | 34,8 | 145,9 | 42,8 | 90,9 | 246,2 | 142,7 | 250,8 | 50,5 | 200,0 | 0,0 | 0,0 |

QMMB: 06/26/206/0967-son
25.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 23 сентябрдаги ПФ–206-сон Фармонига
2г-илова

**Жиззах вилоятида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 2026 йил куз мавсумида манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини экишнинг**
**ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

*минг дона*

| Т/р | Кўчатлар экилиши белгиланган ҳудудлар | Жами | шу жумладан | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Арнасой тумани | Бахмал тумани | Ғаллаорол тумани | Ш.Рашидов тумани | Дўстлик тумани | Зомин тумани | Зарбдор тумани | Зафаробод тумани | Мирзачўл тумани | Пахтакор тумани | Фориш тумани | Янгиобод тумани | Жиззах шаҳри |
| **ЖАМИ** | | **10 821,7** | **744,7** | **894,6** | **882,3** | **878,7** | **884,0** | **928,4** | **891,0** | **879,1** | **905,8** | **913,8** | **830,9** | **703,0** | **485,4** |
| 1 | Фермер хўжаликлари ва пахтачилик-ғаллачилик кластерларининг далалари четларида иҳота дарахтзорларини барпо қилиш | **1 813,0** | 436,6 | 109,7 | 150,7 | 134,4 | 156,7 | 33,0 | 130,4 | 155,7 | 149,1 | 148,1 | 108,7 | 99,9 | 0,0 |
| 2 | Боғ ва токзорлар барпо этиш | **1 559,0** | 0,0 | 147,7 | 154,8 | 150,0 | 153,4 | 206,5 | 156,5 | 107,4 | 104,0 | 103,0 | 143,3 | 132,4 | 0,0 |
| 3 | МФЙ ҳудудлари ва аҳоли томорқалари атрофи | **1 593,8** | 87,0 | 113,0 | 52,4 | 85,7 | 116,0 | 204,0 | 118,6 | 158,3 | 184,2 | 146,0 | 112,4 | 90,7 | 125,5 |
| 4 | Ободонлаштириш бошқармалари ҳудудлари | **987,9** | 65,6 | 62,5 | 65,5 | 66,0 | 64,4 | 46,9 | 66,4 | 62,5 | 70,3 | 85,9 | 72,2 | 66,4 | 193,3 |
| 5 | Ўрмон фонди ерларида ўрмонлар барпо этиш | **339,0** | 0,0 | 78,0 | 23,7 | 41,0 | 0,0 | 84,0 | 11,4 | 0,0 | 6,7 | 6,1 | 74,0 | 14,1 | 0,0 |
| 6 | Автомобиль йўллари ва темирйўллар бўйлари | **385,0** | 37,3 | 31,0 | 32,9 | 60,0 | 40,6 | 29,0 | 25,0 | 21,9 | 14,9 | 50,0 | 22,1 | 20,3 | 0,0 |
| 7 | Дарёлар, каналлар, ариқлар ва зовурлар бўйлари | **262,0** | 30,0 | 19,9 | 20,5 | 25,0 | 20,3 | 21,2 | 20,8 | 19,9 | 19,7 | 20,6 | 17,4 | 15,9 | 10,8 |
| 8 | Атроф-муҳитга таъсири бўйича юқори ва ўрта даражадаги хавфли тоифаларга мансуб саноат корхоналари томонидан “яшил белбоғ”лар барпо этиш | **536,0** | 18,0 | 36,0 | 57,6 | 42,0 | 49,8 | 51,6 | 51,6 | 49,2 | 50,4 | 41,0 | 33,0 | 29,0 | 26,8 |
| 9 | Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **188,0** | 11,4 | 13,2 | 13,7 | 23,4 | 7,2 | 13,9 | 13,9 | 22,6 | 13,5 | 13,7 | 12,4 | 11,4 | 17,7 |
| 10 | Соғлиқни сақлаш объектлари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **147,0** | 8,8 | 10,0 | 10,6 | 20,0 | 10,5 | 10,7 | 10,7 | 10,2 | 10,5 | 10,6 | 9,8 | 9,0 | 15,6 |
| 11 | Олий таълим муассасалари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **30,0** | 1,0 | 2,4 | 4,0 | 4,0 | 0,8 | 3,2 | 1,6 | 0,0 | 1,6 | 2,4 | 0,8 | 0,8 | 7,4 |
| 12 | Вазирлик, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **540,0** | 47,0 | 51,9 | 43,7 | 52,6 | 24,7 | 44,2 | 44,2 | 27,4 | 43,2 | 43,7 | 20,7 | 33,9 | 62,8 |
| 13 | Тижорат банклари ҳамда уларга туташ ҳудудлар | **100,0** | 1,5 | 6,3 | 6,6 | 8,0 | 6,5 | 6,7 | 6,5 | 6,5 | 6,5 | 6,6 | 6,2 | 6,6 | 25,5 |
| 14 | Чиқинди полигонлари атрофида иҳота дарахтзорларини барпо этиш | **14,0** | 0,5 | 0,6 | 1,4 | 1,0 | 1,7 | 0,7 | 1,7 | 0,9 | 2,7 | 1,6 | 0,8 | 0,4 | 0,0 |
| 15 | Янги тутзорлар барпо этиш | **2 327,0** | 0,0 | 212,4 | 244,2 | 165,6 | 231,4 | 172,8 | 231,7 | 236,6 | 228,5 | 234,5 | 197,1 | 172,2 | 0,0 |

QMMB: 06/26/206/0967-son
25.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 23 сентябрдаги ПФ–206-сон Фармонига
2д-илова

## Қашқадарё вилоятида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 2026 йил куз мавсумида манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини экишнинг ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

*минг дона*

| Т/р | Кўчатлар экилиши белгиланган ҳудудлар | Жами | шу жумладан | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Ғузор тумани | Деҳқонобод тумани | Косон тумани | Касби тумани | Китоб тумани | Миришкор тумани | Муборак тумани | Нишон тумани | Чироқчи тумани | Яккабоғ тумани | Шаҳрисабз тумани | Қамаши тумани | Қарши тумани | Шаҳрисабз шаҳри | Қарши шаҳри | Кўкдала тумани |
| | **ЖАМИ** | **11 309,3** | **979,9** | **333,0** | **765,6** | **653,8** | **816,2** | **674,1** | **958,3** | **765,7** | **585,7** | **811,4** | **852,5** | **817,5** | **822,2** | **315,1** | **493,3** | **665,0** |
| 1 | Фермер хўжаликлари ва пахтачилик-ғаллачилик кластерларининг далалари четларида иҳота дарахтзорларини барпо қилиш | **1 230,0** | 82,3 | 14,5 | 176,4 | 125,9 | 107,9 | 189,3 | 56,8 | 109,9 | 32,8 | 52,0 | 78,1 | 43,7 | 47,5 | 0,0 | 0,0 | 112,9 |
6. Маҳалла ҳудудида зарарланган дарахт ва буталардаги касаллик ва зараркунанда турларига (ун шудринг, занг, пўстлоқ некрози, илдиз чириши, шира, қалқондор ҳашаротлар ва ҳ.к.) аниқлик киритилади.
7. Дарахт ва буталарда аниқланган касалликлар ҳамда зараркунандаларга қарши курашиш тадбирлари ташкиллаштирилади.
8. Дарахт ва буталарни касалликлар ҳамда зараркунандалардан ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилади.
9. Маҳаллада баҳор ва куз мавсумида экилган (ёки экиладиган) кўчатлар учун талаб этиладиган органик ўғитлар ва мульча миқдори (ҳажми) бўйича буюртма шакллантирилади.
10. Қабул қилинган буюртма асосида Ўрмон агентлиги тизим ташкилотлари томонидан 1 туп кўчатга мос равишда 5 килограммгача биогомус ва 4 килограммгача мульча етказиб берилади.

QMMB: 06/26/206/0967-son
25.09.2026-y.



11. Қабул қилинган буюртма асосида Ўрмон агентлиги тизим ташкилотлари томонидан кўчат экиш мавсумида бир маҳаллага 1 тадан 3-5 тонна ҳажмли сув идишлар, IBC сув контейнери, ариқ, канал ёки ҳавзадан сув тортиш учун 1 та кўчма насос (мотопомпа), 100 метргача шланг (25-50 мм), 10 та челак, лейка, хаскаш, белкурак, кетмон, 1 та арава етказиб бериш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 23 сентябрдаги ПФ–206-сон Фармонига
7-илова

**“Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Барқарор ўрмон хўжалиги асосида ўрмонзорлаштириш ва ўрмон тиклаш бўйича ҳаракатлар декадаси” резолюцияси асосида мамлакатимизда ўрмонлаштириш ва ўрмонларни тиклаш бўйича 2027–2036 йилларга мўлжалланган**

# ҲАРАКАТЛАР ДАСТУРИ

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **1. Ижтимоий, иқтисодий ва экологик манфаатларни кучайтириш, ўрмонларга яқин ҳудудлардаги аҳоли турмуш даражасини яхшилаш** | | | | | |
| **1.** | Халқаро молия институтлари (Жаҳон банки, ГЕФ, ФАО ва бошқалар) маблағлари ҳисобидан республиканинг узоқ тоғли ўрмонлар ҳудудига яқин аҳоли яшаш пунктларидаги ишсиз аҳоли вакилларидан шакллантирилган **маҳаллий жамоалар** билан ҳамкорликда ўрмонларни бошқариш бўйича янги тажрибани жорий этиш. | 1. Республиканинг узоқ тоғли ўрмонлар ҳудудига яқин аҳоли яшаш пунктларидаги ишсиз аҳоли рўйхатини шакллантириш.<br>2. Шакллантирилган маҳаллий жамоаларни **ўрмонларни муҳофаза қилиш** бўйича қисқа муддатли ўқув курслари, амалий тренингларда ўқитиш ва уларни сертификатлаш тизимини жорий этиш.<br>3. Ўрмон хўжаликлари билан маҳаллий жамоалар ўртасида вазифалар, масъулият, молиявий рағбат, ўрмон участкасидан фойдаланиш шартлари, мониторинг тартиби бўйича шартномалар тузиш. | Халқаро молия институтлари грант маблағлари | 2028 йил январь<br><br>2027–2036 йиллар | Ўрмон агентлиги, Экология қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Бандлик вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 4. Ҳар бир жамоа фаолиятини мобил илова, GPS кузатув, фортификация, дрон мониторинги, электрон ҳисобот тизими орқали баҳолаш. | | | |
| **2.** | Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) билан Яшил шаҳарлар ташаббуси доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш. | 1. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг Яшил шаҳарлар тармоғидаги иштироки доирасида шаҳар яшиллигини бошқариш, ҳаво сифатини яхшилаш ва микроиқлимни юмшатиш бўйича амалий чора-тадбирларни белгилаш.<br>2. 2030 йилга қадар бошқа вилоят марказлари ва йирик шаҳарларни тармоққа жалб этиш учун уларнинг экологик ҳолати ва кўкаламзорлаштириш режалари асосида аризалар ҳамда босқичма-босқич ҳамкорлик “йўл хариталари”ни тайёрлаш.<br>3. ФАО билан келишув асосида техник кўмак кўрсатиш, мутахассислар малакасини ошириш ва намунали лойиҳаларни молиялаштириш имкониятларини ишлаб чиқиш. | Ижрочилар маблағлари | 2027 йил июнь | Ўрмон агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **3.** | Ижтимоий реестрга киритилган камида **30 минг нафар** фуқарони ўрмон хўжалиги ишларига жалб этиш ва даромад олишини қўллаб-қувватлаш. | 1. Ерларнинг ҳуқуқий мақоми, ўрмон тузиш лойиҳаси, сув таъминоти ва иш ҳажмларини хатловдан ўтказиб, фуқароларнинг розилиги асосида йиллик манзилли рўйхатларни тасдиқлаш.<br>2. Ўрмонзор, кўчатхона ва доривор ўсимликлар етиштиришда 10 йиллик иштирок механизми бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.<br>Лойиҳада танлаш мезонлари, ердан фойдаланиш асоси, маҳсулотга нисбатан ҳуқуқ, харажатлар, ҳақ тўлаш, жавобгарлик ва низоларни ҳал этиш тартибини белгилаш.<br>Ҳужжат қабул қилингунига қадар амалдаги ер ажратиш тартибига риоя қилиш, пудрат шартномасини ер ҳуқуқини берувчи ҳужжат сифатида қўлламаслик.<br>3. Фуқароларни ўқитиш, уруғ-кўчат ва асбоблар билан таъминлаш харажатларини ҳисоблаш, иш хусусиятига мос меҳнат ёки пудрат шартномаларини расмийлаштириш. Қатор ораларида фақат рухсат этилган | Ўрмон хўжаликлари маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2027–2036 йиллар экиш мавсумида | Ўрмон агентлиги, Экология қўмитаси, Бандлик вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Адлия вазирлиги, Кадастр агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | фойдаланиш турлари ва агротехник талаблар доирасида экин етиштириш. | | | |
| **4.** | Ўрмон ресурсларидан барқарор фойдаланиш орқали 2036 йилгача ўрмон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини базавий даражага нисбатан камида 10 баравар ошириш. | 1. Асал, доривор ва резавор ўсимликлар, бодом ва ёнғоқ маҳсулотлари бўйича ер-сув, биологик ҳосилдорлик, қайта ишлаш, сақлаш ва бозор ҳисоб-китоблари мавжуд лойиҳалар дастурини тасдиқлаш.<br>2. Ўрмон тузиш ҳужжатлари, фойдаланиш лимитлари ва мавжуд ер ҳуқуқларига мувофиқ лойиҳаларни молиялаштириш, зарур рухсатлар олингач, плантация ва қайта ишлаш қувватларини босқичма-босқич ташкил этиш.<br>3. Ҳосил, сотув, қайта ишлаш ва ресурслар ҳолатини ҳар йили баҳолаш, бир маҳсулотни хомашё ва қайта ишланган маҳсулот сифатида мониторинг натижаларини янгилаш. | Ўрмон хўжаликлари маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар | Икки ой муддатда<br><br>2027–2036 йиллар | Ўрмон агентлиги, Экология қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Миллий статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат ўрмон хўжаликлари ва лойиҳа ташаббускорлари |
| **5.** | Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда ўрмон фондининг чўл ва тоғолди ҳудудларидаги ўрмонзор мавжуд бўлмаган очиқ ерларда тажриба | Тажриба тариқасида “жамоат ўрмонлари”ни ташкил этиш бўйича:<br>(а) унумдорлиги паст ва сув таъминоти қийин бўлган очиқ ер майдонларини ўрмон барпо қилиш шарти билан ижара тўловларисиз аукцион асосида фойдаланишга бериш; | Ижрочиларнинг ўз маблағлари | 2027 йил февралдан бошлаб | Ўрмон агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | тариқасида **“жамоат ўрмонлари”**ни ташкил этиш. | (б) ерларни 49 йил муддатга очиқ ер майдонининг камида 70 фоизида (чўл ҳудудларида 50 фоиз) ўрмон барпо этиш шарти билан бериш, қолган 30 фоиз (50 фоиз) ердан доривор ва озуқа экинларини етиштириш мақсадлари учун фойдаланиш;<br>(в) чўл, тоғолди ва қурғоқчил ҳудудларда дарахт ва буталар турларининг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда замонавий суғориш тизимларини жорий этиш. | | 2027–2036 йиллар давомида | |
| **6.** | Амударёнинг ўнг қирғоғида Термиз дарё портидан Термиз туманидаги Ат-Термизий зиёратгоҳигача бўлган 21 километрлик экологик ҳимоя йўлаги доирасида тўртта манзилли лойиҳани амалга ошириш. | 1. Лойиҳаларнинг аниқ чегаралари, сув таъминоти, қурилиш ва экиш ишлари ҳажми, молиялаштириш манбалари, парвариш ҳамда сақлаш учун масъуллар кўрсатилган лойиҳа-қидирув ва смета ҳужжатларини тайёрлаш.<br>2. Лойиҳаларда Фаёзтепа ҳудудидан Орол маҳалласигача бўлган дарёнинг ўнг қирғоғида яхлит участкаларда томчилатиб суғориладиган ўрмонзор, қумли майдонларда саксовулзор, шунингдек, тупроқ-иқлим шароитига мос 20–40 гектарлик участкаларда токзор, ўрик, бодом ва чилонжийда боғлари барпо этишни назарда тутиш. | Ижрочиларнинг ўз маблағлари, Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси ва маҳаллий бюджет маблағлари, ҳомийлик ва грант маблағлари | Икки ой муддатда<br><br>2027 йил баҳор мавсумидан бошлаб | Экология қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ўрмон агентлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 7. | Ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, дарахт ва бута уруғларини тайёрлаш, доимий ва вақтинчалик уруғчилик участкалари ва оналик плантацияларини ташкил этиш. | 1. Ҳудудлар кесимида истиқболли дарахт ва бута турларининг уруғбоп объектларини аниқлаш.<br>2. Доимий ва вақтинчалик уруғчилик участкалари ҳамда оналик плантацияларини ташкил этиш.<br>3. Уруғ тайёрлаш ва ҳисобини юритиш тизимини йўлга қўйиш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2027–2036 йиллар | Экология қўмитаси, Ўрмон агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари |
| 8. | Манзарали ўсимликлар кўчатларини сертификатлаш ҳамда стандартлаштириш тизимини жорий этиш. | 1. Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда кўчатларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш бўйича таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва мезонларини ишлаб чиқиш.<br>2. Кўчатларни сертификатлаш ва стандартлаштириш тизимини жорий этиш, кўчатларнинг келиб чиқиши ва сифатини назорат қилиш тизимини йўлга қўйиш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2027–2036 йиллар | Экология қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари |
| 9. | Ўрмон фондининг тоғли ҳудудларида **зарафшон арчасини** кўпайтириш чора-тадбирларини белгилаш. | 1. Ўрмон фонди ерларида зарафшон арчасининг табиий популяцияси ҳолатини ўрганиш, оналик дарахтлар захирасини баҳолаш.<br>2. Соҳа олимлари ва мутахассислари, Тошкент давлат аграр университети | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли | 2027 йил май<br><br>2027–2036 йиллар | Ўрмон агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Ўрмончилик кафедраси профессор ўқитувчиларининг илмий тажрибалари асосида зарафшон арчасининг янги уруғини яратиш бўйича амалий семинарлар ўтказиш.<br>3. Оҳангарон, Бойсун, Қамаши ва бошқа тоғли ҳудудларда жойлашган ўрмон хўжаликларида зарафшон арчаси кўчатларини кўпайтириш. | жамғармаси маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2027–2036 йиллар | |
| **2. Ўрмонларни муҳофаза қилиш, ёнғиннинг олдини олиш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш** | | | | | |
| **10.** | Ўрмонларда содир бўлиши мумкин бўлган **ҳуқуқбузарликларнинг** олдини олиш чораларини кўриш. | 1. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда қўшма рейдлар олиб бориш.<br>2. Ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ҳамда тегишли талаб этиладиган ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш бўйича ўқув семинарларини ташкил этиш. | Маблағ талаб этилмайди | Доимий | Ўрмон агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| **11.** | Ўрмонларда содир бўлиши мумкин бўлган **ёнғинларнинг** олдини олиш чораларини кўриш. | 1. Ўрмон фонди ер майдонларида ёнғин келиб чиқиш эҳтимоли юқори бўлган ҳудудлар рўйхатини шакллантириш, огоҳлантирувчи баннерларни жойлаштириш манзилларини белгилаш.<br>2. Ўрмонда ёнғинга қарши оралиқ жойлар, йўллар, ёнғинга қарши | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари, қонунчиликда | 2027–2030 йиллар | Ўрмон агентлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | маъданлаштирилган ҳимоя полосалари, зовурлар, сув ҳавзаларини қуриш ҳамда мавжудларини таъмирлаш.<br>3. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари билан биргаликда ўрмон ёнғинларининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш тўғрисида чора-тадбирларни белгилаб, жойларда ўқув-тактик машғулотларини олиб бориш. | тақиқланмаган бошқа маблағлар | | |
| **12.** | Оролқум, Қизилқум, Чотқол, Қурама, Ҳисор, Туркистон ва Зарафшон тоғ тизмалари ҳамда бошқа чўл ва тоғли ҳудудларда касаллик ва зараркунандалар тарқалган **400 минг гектар** майдонни соғломлаштириш бўйича 2036 йилгача мўлжалланган босқичма-босқич чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. Зарарланган майдонларни хатловдан ўтказиб, хавф даражаси ва кураш усуллари бўйича манзилли дастурни тасдиқлаш.<br>2. Фанлар академияси, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ва бошқа илмий муассасалар иштирокида дала экспедицияларини ташкил этиш.<br>3. Амалий ишларни Яшил боғларни бошқариш ўрмон илмий-тажриба марказининг дарахт касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш хизмати томонидан илмий хулосалар асосида, биологик усулларга устуворлик берган ҳолда олиб бориш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари | Икки ой муддатда<br><br>Ҳар йили баҳор мавсумида | Экология қўмитаси Ўрмон агентлиги, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, Фанлар академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 4. Кимёвий препаратларни фитосанитария хулосаси, рухсат этилган препаратлар рўйхати ва атроф-муҳит ҳамда аҳоли хавфсизлиги талабларига мувофиқ равишда қўллаш. | | | |
| **13.** | Уруғ, ниҳол ва кўчатларни танлаш, экиш, парваришлаш ҳамда униб чиқиш ва сақланиш натижаларини баҳолашнинг ягона услубиятини ишлаб чиқиш. | 1. Уруғнинг келиб чиқиши, сифат ва лаборатория текшируви, экиш материали тоифалари, ҳудудий агротехника ҳамда намуналар танлаш мезонларини белгилаш.<br>2. Униб чиқиш ва сақланишни ҳисоблаш формулалари, бошланғич сон, баҳолаш даврлари, қуриб қолган ва қайта экилган кўчатлар ҳисоби, фото-геомаълумотлар ҳамда текшириш далолатномаларининг шаклларини ишлаб чиқиш.<br>3. Услубиятни турли тупроқ-иқлим шароитларида мавжуд тажриба участкаларида синовдан ўтказиб, илмий хулосалар ва манфаатдор идоралар таклифлари асосида такомиллаштириш.<br>4. Услубият ва уни жорий этиш бўйича ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш, масъулларни | Зарур қўшимча дала ва лаборатория тадқиқотлари учун белгиланган тартибда ажратиладиган илмий грантлар | Уч ой муддатда | Ўрмон агентлиги, Фанлар академияси, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, Экология қўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ўқитиш ва натижаларнинг ягона электрон ҳисобини юритиш. | | | |
| **14.** | Қизилқумда А–380 автомобиль йўлининг қум босиш хавфи юқори бўлган 5 километрлик қисмида комплекс ўрмон-мелиорация синов лойиҳасини амалга ошириш. | 1. Йўл баланс сақловчиси билан хавфли 5 километрлик қисм ва туташ участкаларни аниқлаш, ердан фойдаланиш ҳуқуқи, коммуникациялар ва муҳофаза минтақаси чекловларини текшириш.<br>2. Хитой тажрибасини мослаштириб, 1×1 метрлик экологик хавфсиз механик тўсиқлар ва 3–5 қаторли қурғоқчиликка чидамли дарахт-буталар белбоғини лойиҳалаш. Кўриниш, ҳаракат хавфсизлиги, сув таъминоти, парвариш ва ёнғин хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда тасдиқлаш, талаб этиладиган экспертизалардан ўтказиш.<br>3. Молиялаштириш тасдиқлангач, давлат харидлари тартибида ижрочини танлаб, тўсиқларни ўрнатиш ва мавсумий экишни амалга ошириш, ишларни далолатнома билан қабул қилиб, сақлашга масъулни белгилаш.<br>4. Синов ва taққослаш участкаларида қум тўпланиши, йўлни тозалаш харажатлари ва кўчатлар сақланишини камида икки мавсум | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси ва маҳаллий бюджет маблағлари, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган маблағлар | 2027 йилдан бошлаб<br><br>Икки ой муддатда | Ўрмон агентлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Экология қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги |

QMMB: 06/26/206/0967-son
25.09.2026-y.



| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | кузатиб, кенгайтириш бўйича хулоса тайёрлаш. | | | |
| **15.** | Ўрмон фондида зараркунандалар ва касалликларни эрта аниқлаш, профилактика ва комплекс ҳимоя тадбирларини ташкил этиш. | 1. Энтомологик ва фитопатологик зарарланган майдонлар харитаси ва хавф даражасини шакллантириш, йиллик ҳимоя режаси, зарур воситалар ва харажатлар ҳисобини тасдиқлаш.<br>2. Ташхис натижасига кўра механик ва биологик чораларни устувор қўллаш, кимёвий ишловни рухсат этилган препаратлар, қўллаш регламенти ва хавфсизлик талаблари асосида ташкил этиш.<br>3. Карантин объекти аниқланганда ваколатли карантин органига хабар бериш ва белгиланган чекловларга риоя қилиш, ишлов олдидан аҳоли ва асаларичиларни хабардор этиш, сув объектлари ва муҳофаза этиладиган ҳудудлар режимини сақлаш.<br>4. Ҳимоя ишларини майдон, восита сарфи ва самарадорлик далолатномалари билан қабул қилиш, ўрмон ходимларини ташхис, меҳнат муҳофазаси ва воситалардан хавфсиз фойдаланиш бўйича ўқитиш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари | Доимий<br>2027–2036 йиллар, ҳар чорак | Ўрмон агентлиги Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, Экология қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **16.** | Кўкаламзорлаштиришда органик мульчадан фойдаланишнинг ягона агротехник талабларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. | 1. Тупроқ, иқлим ва ўсимлик турларини ҳисобга олган ҳолда мульча материаллари, тозалиги, фитосанитария хавфсизлиги, намлик назорати ҳамда янгилаш даврийлиги бўйича талаблар лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Органик мульча қатламини 5–8 сантиметрда ёткизиш, дарахт танасига тегизмаслик ва сарфни амалда қопланадиган майдон бўйича ҳисоблашни назарда тутиш, илмий асосланган истисноларни белгилаш.<br>3. Талабларни илмий муҳокама ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, ваколат доирасида тасдиқлаш, умуммажбурий норма белгиланганда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда киритиш.<br>4. Тасдиқланган талабларни техник топшириқлар ва технологик карталарга киритиш, ўқитиш ҳамда ишларни қабул қилишда майдон ва материал сифатини қайд этиш. | Маблағ талаб этмайди | 2027 йил август | Ўрмон агентлиги, Экология қўмитаси, Фанлар академияси, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **3. Ўрмон фонди ерларини кенгайтириш, ўрмонлаштириш ва чўлланишга қарши курашиш ишлари кўламини ошириш** | | | | | |
| **17.** | Чўл ҳудудларида экологик барқарорликни таъминлаш билан биргаликда юқори қўшимча қийматга эга бўлган **“Чўл саноати” (Deseret Industries)** моделини синов тариқасида қўллаш чораларини кўриш. | 1. “Чўл саноати” (Deseret Industries) модели ва уни Ўзбекистонда синов тариқасида қўллаш бўйича таҳлилий маълумотларни тайёрлаш.<br>2. Таҳлилий маълумотлар асосида синов лойиҳаларини ишлаб чиқиш.<br>3. Ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга ошириш (молиялаштириш) мақсадида Инновацион ривожланиш агентлигига тақдим этиш. | Қонунчиликда тақиқланмаган маблағлар | 2027 йил май<br><br>2027 йил ноябрь | Ўрмон агентлиги, Инновацион ривожланиш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Экология қўмитаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги |
| **18.** | Республика ҳудудларида **ўрмон барпо этиш ва қайта тиклаш** тадбирларини амалга ошириш. | 1. Ўрмон барпо этиш ишлари бажариладиган майдонларни аниқлаш ва режа тақсимотини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш.<br>2. “Яшиллойиҳа” лойиҳалаш институти томонидан лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.<br>3. Тупроқ-иқлим шароитига мос дарахт-буталарнинг уруғ ва кўчатлари захирасини яратиш.<br>4. Белгиланган ҳудудларда (тоғли, чўл, водий-тўқай) **1,6 млн** гектар майдонда ўрмон барпо этиш ишларини амалга ошириш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари, ижрочилар маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2027–2036 йиллар | Ўрмон агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| **19.** | Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида лойиҳа | 1. Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида **галофит ўсимликларнинг** | Умуммиллий экологик | 2027 йил декабрь | Экология қўмитаси, |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | асосида **галофит ўсимликларнинг илмий тажриба участкаларини** барпо этиш. | **илмий тажриба участкаларини** ташкил этиш, туман ва ҳудудлар кесимида ер майдонларини танлаш.<br>2. Галофит ўсимликлар уруғлари захирасини яратиш.<br>3. Яйлов ва бошқа кўп йиллик ўсимликларни (галофит) кенг майдонларда экиш ишларини олиб бориш, **15 гектар** майдонда **галофит ўсимликларнинг илмий тажриба участкаларини** ташкил этиш.<br>4. Ушбу боғларда илмий фаолиятни йўлга қўйиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш. | муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари | | Ўрмон агентлиги, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари |
| **20.** | Болгариялик инвесторлар билан ҳамкорликда **ўрмонларни барпо этиш ва замонавий бошқариш** бўйича йирик лойиҳани амалга ошириш. | 1. Инвестор билан ҳамкорликда ер майдонларини аниқлаш.<br>2. Лойиҳа доирасида деградацияга учраган **50 минг** гектар майдонларини тиклаш, **100 минг** гектар мавжуд ўрмонларни бошқаришда замонавий услублар жорий этиш бўйича ҳудудлар кесимида тақсимотни тасдиқлаш.<br>3. Лойиҳанинг ташкилий ва смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш масаласини ҳал қилиш. | Инвестор маблағлари | 2027–2035 йиллар | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Экология қўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 4. Лойиҳани босқичма-босқич амалга ошириш. | | | |
| **21.** | Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида **писта плантацияларини** ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш. | 1. **Самарқанд ва Сурхондарё** вилоятларида писта плантацияларини ташкил этиш мумкин бўлган ер майдонларини белгилаб олиш.<br>2. Пайариқ, Нуробод, Қўшработ, Иштихон, Каттақўрғон туманларида **50 минг гектар**, Узун туманида **5 минг гектар** писта плантацияларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш. | Маҳаллий бюджет маблағлари | 2026–2035 йиллар | Ўрмон агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари |
| **22.** | Ўрмон фонди ерларида **ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари** мониторингини юритиш. | 1. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг биологик хилма-хиллигини ҳисобга олиш, улар бўйича бирламчи кадастр маълумотларини шакллантириш, атроф-муҳит мониторингини юритиш мақсадида ҳар бир ўрмон хўжалигида тегишли штат бирликларини жорий этиш.<br>2. Маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш.<br>3. Ўрмон фонди ерларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари мониторингини юритиш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари | Уч ой муддатда<br><br>Доимий | Экология қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **23.** | Чўл ҳудудларида яшил ҳудудларни кенгайтириш бўйича илмий, амалий ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича **лойиҳаларни** амалга ошириш. | 1. Оролқум, Қизилқум ва бошқа чўл ҳудудларида яшил қопламалар, кўчатхоналарни барпо этиш бўйича лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш.<br>2. Молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтларига ва Инновацион ривожланиш агентлигига лойиҳа таклифларини тақдим этиш. | Халқаро молия институтлари ва илмий дастурлар доирасида ажратиладиган маблағлар | 2027–2036 йиллар | Ўрмон агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| **24.** | Чўлланишга қарши курашишда янги технологияларни жорий этиш бўйича **халқаро семинарларни** ташкил этиб бориш. | 1. "Хитой-Марказий Осиё" чўлланишга қарши курашиш маркази билан ҳамкорликда Хитой, Марказий Осиё ва бошқа давлатлар иштирокида чўлланишга қарши курашишда янги технологияларни жорий этиш бўйича халқаро илмий-амалий семинарлар ташкил этиб бориш.<br>2. Семинар давомида қўшни давлатлар билан инновацион лойиҳалар муҳокамасини ўтказиш, амалий тажрибалар алмашиш, ОАВларда кенг ёритиб бориш. | "Хитой-Марказий Осиё" чўлланишга қарши курашиш маркази маблағлари | 2027–2036 йиллар, ҳар йили май ойида | Экология қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| **25.** | Аҳолини экологик хавфлардан ҳимоялаш ва унинг турмуш тарзига салбий таъсирини камайтириш, чанг бўронлари содир бўлганда бажариладиган **тезкор** | 1. Чанг бўронларининг атроф-муҳитга ва аҳолининг санитар турмуш тарзига салбий таъсири тўғрисида илмий-амалий ташвиқот ишларини олиб бориш. Бунда олимлар ва соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси | Доимий | Экология қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадио-компанияси |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | **чоралар бўйича тайёрлаш ва кўникмалар бериш**. | аҳоли учун махсус кўрсатувлар, видеороликлар, давра суҳбатлари ва учрашувларни ташкил қилиш, рекламалар тайёрлаш, кўргазмали стендлар намойиш қилиш.<br>2. Тайёрланган махсус кўрсатувлар ва рекламаларни ОАВ орқали кенг оммага етказиш. | маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар | | |
| **26.** | Хўжайли ва Қораўзак давлат ўрмон хўжаликларида ҳар бири 5 гектардан, жами 10 гектар манзарали дарахт ва бута кўчатхоналарини ташкил этиш. | 1. Ўрмон хўжаликларининг қонуний фойдаланишидаги ерлардан 5 гектардан майдон танлаш, тупроқ, шўрланиш ва сув манбасини ўрганиб, чегаралар ҳамда ўрмон тузиш ҳужжатларини мувофиқлаштириш.<br>2. Кўчат турлари, йиллик қувват, суғориш, жиҳозлар, уруғлик ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжни белгилаб, лойиҳа-смета ҳамда камида уч йиллик эксплуатация харажатларини тасдиқлаш.<br>3. Тасдиқланган маблағ доирасида харидларни ўтказиш, инфратузилмани тайёрлаш, ходимларни ўқитиш ва сифатли уруғ-кўчат асосида етиштиришни бошлаш, импорт материаллар учун карантин талабларини бажариш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф етиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари | 2027 йил якунига қадар | Ўрмон агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Сув хўжалиги вазирлиги, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси |

QMMB: 06/26/206/0967-son
25.09.2026-y.



| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 4. Кўчатхоналарни далолатнома билан ишга тушириш, етиштирилган кўчатлар сифати, сони, сақланиши ва сотилиши ҳисобини юритиш. | | | |
| **27.** | Шўртан, Жиззах, Наманган ва бошқа давлат ўрмон хўжаликларида ниҳолхона ва кўчатхоналарни барпо этиш ҳамда кенгайтириш орқали қўшимча 7 миллион дона сифатли кўчат ва ниҳол захирасини яратиш. | 1. Ер ҳуқуқлари, мавжуд қувват, тупроқ ва сув таъминотини ўрганиб, 7 миллион дона қўшимча захирани хўжаликлар ва турлар кесимида белгилаш, етиштириш циклини ҳисобга олган ҳолда манзилли дастур ва сметани тасдиқлаш.<br>2. Ердан фойдаланишни расмийлаштириш, сув манбаи ва лимитларини келишиш ҳамда лойиҳа экспертизасини таъминлаш, молиялаштириш манбаси тасдиқланган объектлар бўйича харидларни ўтказиш.<br>3. Сув тежовчи суғориш технологиялари, ниҳол етиштириш, соялатиш ва сақлаш инфратузилмасини қуриш ёки модернизация қилиш, қабул далолатномаси билан балансга олиш.<br>4. Келиб чиқиши ва сифати ҳужжатлаштирилган уруғ-кўчат материалини етиштириш. Бунда мавжуд захирадан алоҳида қўшимча 7 миллион дона материални хатловдан | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф етиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари | 2027 йил якунига қадар | Ўрмон агентлиги, Экология қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, Қашқадарё, Жиззах, Наманган вилояти ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ўтказиш, фитосанитария ҳолати ва реал тайёрлигини тасдиқлаш. | | | |
| **4. Рақамлаштириш ва малакали кадрлар тайёрлаш** | | | | | |
| **28.** | Ҳар бир ўрмон ҳудудининг **“яшил паспорти”**ни яратиш. | 1. Космик мониторинг технологиялари асосида ҳар бир ўрмон ҳудуди бўйича дарахт билан қопланган майдонлар, ўрмон захиралари, фитосанитария ҳолати, иссиқхона газларини сингдириш салоҳияти, ўрмон ёнғини хавфи, ноқонуний дарахт кесиш ҳолатлари ҳамда ер қопламасидаги ўзгаришларни автоматик аниқлаш тизимини жорий этиш.<br>2. Шакллантирилган маълумотларни “Smart Forestry” ахборот платформаси билан интеграция қилиш орқали ўрмон ресурсларининг ҳолатини таҳлил қилиш, баҳолаш ва реал вақт режимида мониторинг қилиш имкониятини яратиш.<br>3. Ҳар бир ўрмон ҳудудини ягона идентификация рақами, географик координаталари ва функционал тоифаси (тоғ ўрмонлари, чўл ўрмонлари, маданий ўрмонлар, тўқайзорлар, яйловлар ва бошқалар) бўйича рақамли тавсифлаш ҳамда электрон реестрни шакллантириш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2028 йил март | Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўрмон агентлиги, “Ўзбеккосмос” агентлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Кадастр агентлиги, Гидрометеорология хизмати агентлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 4. Ўрмон ёнғини хавфи, касаллик ва зараркунанда тарқалиши, қуриш жараёнлари, ноқонуний дарахт кесиш ҳолатлари, сув таъминоти муаммолари ва бошқа хавфли ҳолатлар аниқланганда масъул ташкилотлар ҳамда мансабдор шахсларга “Smart Forestry” тизими орқали автоматик хабарнома (СМС, электрон почта) юбориш, тезкор чора кўриш механизмларини жорий этиш. | | | |
| **29.** | **“Яшил олам”** электрон савдо тизимини жорий этиш орқали ўрмончилик соҳасида етиштирилаётган ўрмон маҳсулотлари ва хизматларининг электрон тижоратини ташкил этиш. | 1. “Smart Forestry” ягона ахборот платформаси таркибида “Яшил олам” электрон тижорат қуйи тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали ўрмон маҳсулотлари (кўчатлар, асал, доривор ўсимликлар, ёнғоқ, бодом, ёғоч маҳсулотлари ва бошқалар) ҳамда хизматларни онлайн сотиш имкониятини яратиш.<br>2. Кўчатларни харид қилиш, интерактив харита орқали экиш манзилини танлаш, етказиб бериш, экиш, парваришлаш ва муҳофаза қилиш хизматларини онлайн буюртма асосида ташкил этиш ҳамда экилган кўчатларнинг ҳолати тўғрисида фото, | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари, ижрочилар маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2028 йил март | Ўрмон агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Кадастр агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | видео ва геолокация маълумотлари асосида буюртмачини мунтазам хабардор қилиш механизмларини жорий этиш.<br>3. Сотувчилар ва харидорлар ўртасида электрон шартномаларни автоматик шакллантириш, уларни электрон рақамли имзо орқали тасдиқлаш, электрон ҳисобварақ-фактуралар ва тўлов инвойсларини яратиш ҳамда миллий ва халқаро электрон тўлов тизимлари билан интеграция қилиш орқали онлайн тўловларни амалга ошириш имкониятини таъминлаш.<br>4. Фойдаланувчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва мурожаатларини қабул қилиш, хизматлар сифати ҳамда ижрочилар фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий этиш орқали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш.<br>5. Ахборот тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, модернизация қилиш, техник қўллаб-қувватлаш ва сервис хизматларини молиялаштириш мақсадида сотилган маҳсулотлар ёки кўрсатилган хизматлар бўйича тузилган шартномалар қийматининг 5 фоизи | | | |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | миқдоридаги маблағни автоматик равишда Ўрмон хўжалигини рақамлаштириш марказининг махсус ҳисоб рақамига йўналтириш механизмларини жорий этиш.<br>6. "Smart Forestry" ягона ахборот платформаси, Солиқ қўмитаси, кадастр органлари, логистика операторлари, электрон тўлов, геоахборот, Гидрометеорологиянинг ахборот тизими ва бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш.<br>7. "Smart Forestry" мобил иловасини тўлиқ ишга тушириш.<br>8. Мобил илова ишга тушгандан сўнг давлат харидларини амалга ошириш портали билан интеграция қилиш. | | | |
| **30.** | Ўрмон хўжалиги соҳаси учун замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассис **кадрларни тайёрлаш** тизимини такомиллаштириш. | Олий таълим ва касбий таълим муассасалари билан ҳамкорликда соҳавий таълим дастурларини такомиллаштириш, амалиётга йўналтирилган ўқув жараёнларини кенгайтириш ҳамда соҳага зарур бўлган мутахассисларни мақсадли тайёрлаш чораларини кўриш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари, | 2027–2030 йиллар | Ўрмон агентлиги, Экология қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, таълим муассасалари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | ижрочилар маблағлари | | |
| **31.** | Ўрмон хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган **ходимларни** қайта тайёрлаш ва уларнинг **малакасини** ошириш тизимини такомиллаштириш. | 1. Ўрмон агентлиги тизими ходимларини Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида ҳамда бошқа таълим муассасаларида мунтазам қайта тайёрлаш.<br>2. Малака ошириш курсларига жалб қилиш, соҳага замонавий билим ва кўникмаларни жорий этиш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари, ижрочилар маблағлари | 2027–2036 йиллар | Ўрмон агентлиги, Экология қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, таълим муассасалари |
| **32.** | Ўрмон хўжалиги соҳасида халқаро тажрибалар асосида юқори малакали мутахассисларнинг **касбий билим ва амалий кўникмаларини** ошириш. | 1. Хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида ўқув семинарлари, стажировкалар, тажриба алмашиш ва малака ошириш тадбирларини ташкил этиш.<br>2. Илғор хорижий амалиётларни жорий қилиш. | Халқаро молия институтлари маблағлари, грантлар, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2027–2036 йиллар | Ўрмон агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| **33.** | “Яшил макон” платформасида дарахтлар ҳисоби ва парваришини юритувчи “Дарахт баланси” модулини жорий этиш. | 1. Модул эгаси, оператори, маълумот киритувчилар ва тасдиқловчиларни белгилаш, техник топшириқ, смета, маълумот алмашиш ва янгилаш тартибини тасдиқлаш.<br>2. Дарахтнинг ягона рақами, геолокацияси, тури, ёши, баланс | Ижрочилар маблағлари, Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли | 2028 йил январь | Экология қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | сақловчиси, сув манбаси, масъули ва фитосанитария ҳолатига оид маълумотларни юритиш, соғлом, даволаш талаб этилган ва қуриган дарахтларни ажратиш. Қуриш сабаби, фото, алмаштириш муддати ва харажат манбаини қайд этиш.<br>3. Шартнома бўйича алмаштиришни назорат қилиш ва даволаш хизматига электрон буюртма беришни йўлга қўйиш, янги ва мавжуд дарахтларни босқичма-босқич хатловдан ўтказиш. | жамғармаси маблағлари | | қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1